Republika Ma'naviyat targ'ibot markazi · Republican center propaganda of Spirituality

*Маънавият тарғиботчисига ёрдам*

НУРБОЙ ЖАББОРОВ

# АДАБИЁТ ВА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ

Сканировано с CamScanner

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ

НУРБОЙ ЖАББОРОВ

# АДАБИЁТ ВА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2015

Сканировано с CamScanner

УЎК: 821:37.017.92
КБК: 84(5Ў)+87.7
Ж 13

**Жабборов, Нурбой**

Ж 13 Адабиёт ва миллий маънавият / Н. Жабборов; масъул муҳаррир Қ. Қуранбоев; Республика маънавият тарғибот маркази. – Тошкент: «Маънавият», 2015. – 32 б.

ISBN 978-9943-04-249-0

Комил шахс, мукаммал жамият орзуси... Адабиётнинг жон томири, у таянадиган асос ўлароқ бадиий-эстетик идеал ана шу орзунинг тажассумидир. Чинакам бадиий асар ана шу орзу маҳсули. Юксак маънавиятли шахсни тарбиялашда адабиётнинг ўрни беқиёс экани сабаби шунда. Зеро, адабиёт ва маънавият бир-бирини тақозо этадиган, бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайдиган ҳодисалардир. Филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборовнинг ушбу китобида шу ҳақда фикр юритилади.

Рисола олий ўқув юртлари талабалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда маънавият-маърифат соҳаси мутахассисларига мўлжалланган.

**УЎК: 821:37.017.92**
**КБК: 84(5Ў)+87.7**

Масъул муҳаррир:
*сиёсий фанлар доктори* ***Қ. Қуранбоев***

Тақризчилар:
*филология фанлари доктори, профессор* ***Ш. Сирожиддинов***
*филология фанлари доктори, профессор* ***Б. Каримов***

ISBN 978-9943-04-249-0

© «Маънавият», 2015

Сканировано с CamScanner

# СЎЗ БОШИ

Бугун биз янги даврда яшаяпмиз. Бу давр фан ва техниканинг юксак тараққий этиши баробарида глобаллашув жамият ҳаётининг барча жабҳаларини шиддат билан қамраб олаётгани, оммавий маданият хуружи ёш авлод қалби ва руҳини турли воситалар орқали забт этишга уринаётгани билан характерланади. Ана шундай мураккаб ва зиддиятли шароитда дунёни оммавий маданият хуружидан, маънавиятсизлик ва ахлоқсизлик гирдобидан сақлаб қола оладиган ягона куч – адабиётдир. Адабиёт ана шу жиҳати билан ҳам маънавиятнинг посбонидир.

Ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш – ҳаётий эҳтиёж. Хўш, бунга қандай эришмоқ мумкин? Навқирон авлод қалбига бу руҳни сингдиришнинг энг самарали ва энг таъсирчан воситаси нима? Албатта, адабиёт. Шу ўринда замондош олимлардан бирининг мана бу фикри ёдга келади: «Математика, физика, кимё каби аниқ фанлар бир илм одамини етиштириши мумкин. Бироқ ҳақиқий ватанпарварни фақат ва фақат адабиёт тарбиялайди».

Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз «Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор», эканини алоҳида таъкидлайди. Шу боис давлатимиз раҳбари: «Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, аввaламбор буюк ёзувчиларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак», дея хитоб қилади.



Сканировано с CamScanner

ISBN 978-9943-04-249-0
9 789943 042490

Ma'naviyat

Сканировано с CamScanner